



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

21 декабрь 2020 йил

№ 801 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фурқат тумани Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчасида яшовчи Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғлига Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғи ҳудудида "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойihalарини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz " Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkor " коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari " комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман захирасидаги ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фурқат тумани Навбахор шаҳарчасида яшовчи Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғлига Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғи ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Чиркай маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 10 декабр кунги йиғилиш баёни маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Фурқат тумани Навбахор шаҳарчасида яшовчи Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғлига Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғи ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси (Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари) қуриш учун 250,0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3. Тадбиркор Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилишини лойihalалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш Бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиха-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4. Тадбиркор Саминов Шохрухбек Ахрорисон ўғли зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида иш билан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

6. Тадбиркор Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғли ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.

6. Объект қурилишини лойиха асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш тадбиркор Саминов Шохрухбек Ахроржон ўғли зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Ҳамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Д.Ж.Солиев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

21 декабрь 2020 yil

№ 802 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Кулбобо қишлоғида яшовчи тадбиркор Мамадалиева Зиёдахон Баҳромжон қизига “Ёшлар меҳнат гузари” (тикувчилик цехи) қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27-ноябрдаги “Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида «Yosh tadbirkorlar» коворкинг марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланмасдан қаровсиз ётган ер майдонларидан унумли фойдаланиш ва ҳозирги пандемия шароитида аҳолини арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Жангкетмон” МФЙ Кулбобо қишлоғида яшовчи тадбиркор Мамадалиева Зиёдахон Баҳромжон қизига Жангкетмон қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан “Ёшлар меҳнат гузари” (тикувчилик цехи) ташкил этиш учун 75,0 кв. метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.
3. Тадбиркор Мамадалиева Зиёдахон Баҳромжон қизига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига асосан вилоят қурилиш Бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва шу Кодекснинг 39, 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.
4. Тадбиркор Мамадалиева Зиёдахон Баҳромжон қизи зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тикувчилик цехини 1 йил ичида қуриб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдоридан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбурияти белгилансин.
5. Қарорнинг 4-бандида белгиланган талаблар тадбиркор Мамадалиева Зиёдахон Баҳромжон қизи томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги белгилаб қўйилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Ҳамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж. Солнев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI HOKIMINING
QARORI

23 декабрь 2020 yil

№ 808 -sonli

Navbahor shaharchasi

Туман ҳокимлиги ҳисобида бўлган тумандаги Чилгижийда қишлоғидаги бўш турган собиқ чойхона биносини ёш тадбиркор М.Эркинжоновага “ноль” қийматда бериш ҳақида

Чилгижийда қишлоғида яшовчи ёш тадбиркор М.Эркинжонова туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, унда қишлоқдаги бўш турган собиқ чойхона биносини новвойхона ва қолипчи нон ишлаб чиқариш учун ажратиб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сонли Фармонининг 3-бандида туман (шаҳар) ҳокимликлари «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини, шунингдек, бошқа объектларни қуриш (жойлаштириш) учун хусусий инвесторларга, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар орқали ер участка (бўш бино)ларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиши белгилаб кўйилган.

Шу муносабат билан қаровсиз қолиб кетганлиги муносабати билан туман ҳокимлиги ҳисобига олинган тумандаги Чилгижийда қишлоғида жойлашган бир неча йиллар аввал ҳашар йўли билан қурилган 62,08 кв. метр майдондаги собиқ чойхона биносини ундан унумли фойдаланиш, туманда ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27-ноябрдаги «Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида «Yosh tadbirkorlar» коворкинг марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ёш тадбиркор М.Эркинжоновага “ноль” қийматда бериш мақсадга мувофиқдир.

Баён этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан ҳамда фуқаро М.Эркинжонованинг мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фурқат тумани Чилгижийда қишлоғида яшовчи ёш тадбиркор Эркинжонова Моҳидил Аскаралли қизининг Чилгижийда МФЙ Чилгижийда қишлоғида жойлашган собиқ чойхона биносини “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиш учун ажратиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Фурқат тумани ҳокимлиги билан фуқаро Эркинжонова Моҳидил Аскаржон қизи ўртасида 2020 йил 22 декабрда тузилган “Бўш турган давлат мулки объектларни мукамал реконструкция қилиш ва фаолиятни ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги 37-сонли битим инобатга олинсин.

3. Фурқат тумани Чилгижийда МФЙда жойлашган туман ҳокимлиги балансида бўлган 62,08 кв. метр майдондаги собиқ чойхона биноси Эркинжонова Моҳидил Аскаржон қизига “ноль” қийматда берилсин.

4. Тадбиркор М.Эркинжоновга мазкур бино-иношоотларни таъмирлаш, жихозлаш, ҳамда битимда белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш чораларини кўриш;


Объектни фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида иш билан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилансин.

5. Тадбиркор Эркинжонова Мохидил Асқаржон қизи ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва харажатлар қопланмасдан бино туман ҳокимлигига қайтарилиши белгилаб кўйилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва М.Танибердиевлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I**

23 декабрь 2020 yil

№ 809 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги “Тўрғай келажак инвест” МЧЖ га “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари” тўғрисида”ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини куриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Чиркай МФЙ Чиркай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Тумандаги “Тўрғай келажак инвест” МЧЖ га “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси курилиши учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2.“Тўрғай келажак инвест” МЧЖ га Чиркай қишлоғи ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб, дорихона, савдо дўкони, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (сервис) бинолари куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 600,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.

3.“Тўрғай келажак инвест” МЧЖ га “Ёшлар меҳнат гузари” ташкил этиб, дорихона, савдо дўкони, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (сервис) бинолари курилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят курилиш Бош бошқармасида архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект курилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4.Объект курилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда курилиш устидан техник назоратни ташкил этиш “Тўрғай келажак инвест” МЧЖ раҳбари Х.Муқимов зиммасига юклатилсин.

5.“Тўрғай келажак инвест” МЧЖ зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси ташкил этиб, дорихона, савдо дўкони, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (сервис) биноларини 1 йил муддатда куриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдоридан банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

6.“Тўрғай келажак инвест” МЧЖ раҳбари Х.Муқимовга ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва курилиш харажатлари копланмасдан туман ҳокимлиги ҳисобига қайтаришлик белгилаб қўйилсин.

7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солнев.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I**

23 декабрь 2020 yil

№ 810 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фурқат тумани Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчасида яшовчи Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси ҳудудида "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги ""**Yoshlar-kelajagimiz**" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган "**Yoshlar-kelajagimiz**" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "**Yosh tadbirkorlar**" коворкинг марказлари ва "**Yoshlar mehnat guzari**" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида туман захирасидаги ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Фурқат тумани Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчасида яшовчи Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинининг .2020 йил 27 ноябр кунги йиғилиш баёни маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2.Фурқат тумани Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчасида яшовчи Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизига Мустақиллик МФЙ Навбахор шаҳарчаси ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси (**Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш объекти**) қуриш учун 60,0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3.Тадбиркор Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш Бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодексининг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4.Объект қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш тадбиркор Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизи зиммасига юклатилсин.

5.Тадбиркор Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизи зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини 1 йил муддатда қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида иш билан банд бўлмаган ёшларни камида 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

6.Тадбиркор Сатторова Дилнозахон Абдувоҳид қизи ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари копланмаслиги белгилаб қўйилсин.

7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Д.Ж.Солиев.